

ISSN 2091-5594

# UZLUKSIZ TA'LIM



ILMIY-USLUBIY JURNAL

№ 5



Тошкент – 2014



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,  
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Педагогика  
фанлари илмий тадқиқот институти

# UZLUKSIZ TA'LIM



ILMIY-USLUBIY JURNAL

2014, № 5

*Рисбой*

**ДЖУРАЕВ** —  
бош муҳаррир

*Муҳайё*  
**ИНОЯТОВА** —  
масъул котиб

## Таҳрир хайъати:

*Улугбек ИНОЯТОВ*  
*Ҳикматилла РАШИДОВ*  
*Бахтиёр ДОНИЁРОВ*  
*Собитхон ТУРҒУНОВ*  
*Холбой ИБРАГИМОВ*  
*Ислом ЗОКИРОВ*  
*Роҳатой САҒАРОВА*  
*Агрепина ШИН*  
*Малоҳат АЪЗАМОВА*  
*Шавкат ҚУРБОНОВ*

Журнал 2001 йилдан нашр қилина  
бошлаган.

Ўз МААдан 2007 йил 3 январда  
№ 0101-тартиб рақами билан қай-  
та рўйхатдан утган.

Журналга келган мақолаларга жа-  
воб қайтарилмайди, эълон қилинган ма-  
қолалардан олинган парчалар «Ўзлук-  
сиз таълим» журналидан олинди, деб  
кўрсатилиши лозим. Журналга 1,5 ин-  
тервалда 7-8 бет ҳажмдаги материал  
Times New Roman шрифтида электрон  
версияси билан бирга қабул қилинади.

## Таҳририят манзили:

100027, Тошкент ш.,  
Ўзбекистон шоҳ-  
кўчаси, 98-уй.

ЎзПФИТИ

Тел.: 227-46-61

Факс: 140-02-26

e-mail: uzluksiztalim@inbox.uz



## ЖАҲОН ФАН ВА ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИДАН ФойДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ ИЛМ-ФАНГА ТАТБИҚ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

**Д.Ш. ЗИЯДУЛЛАЕВ,**

ТДПУ катта ўқитувчиси, т.ф.н

**Г.Э. ЗИЁДУЛЛАЕВА,**

ТАТУ 1- босқич магистранти

*Мақолада таълим тизимида замонавий педагогик технология ва жаҳон ахборот ресурсларидан комплекс фойдаланиш масалалари ёритилган.*

**Таянч суз ва иборалар:** телекоммуникация технологиялари, компания, контентлар, тенденциялар, тезауруслар, мотивация.

*Questions of studying of world information resources on the basis of complex use of modern pedagogical technologies in an education system are considered.*

**Key words:** telecommunication technologies, the company, a content, tendencies, the thesaurus, motivation.

*Рассматриваются вопросы изучения мировых информационных ресурсов на основе комплексного использования современных педагогических технологий в системе образования.*

**Ключевые слова:** телекоммуникационные технологии, компания, контент, тенденции, тезаурус, мотивация.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳозирги кунимизда чет тилини ўрганишга бўлган эътиборнинг моҳияти фан ва таълим соҳасидаги ривожланишларнинг асоси эканлигини англатади[1]. Сабаби, аҳолининг барча қатламининг чет тилини ўрганишлари замон талаби асосида ривожлантириш бугунги кунимизнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Замонавий ахборот-телекоммуникация технологиялари жадал ривожланиб бориши натижасида барча соҳаларда тубдан ўзгаришлар вужудга келдики, бу мутахассисдан кенг қамровли билим ва чуқур салоҳият эгаси бўлишни тақозо этмоқда. Бундай талабларни қондиришда, албатта, мамлакатда тайёрланаётган кадрлар илмий ва интеллектуал салоҳияти юқори бўлиши билан бирга фанга ёки иш бошқаруви, умуман олганда юрт равнақиға ҳисса қўшиш учун тинмай изланиш даркор.


Мамлакатимиз жаҳон андозаларидан ибрат олиб, интилиб ривожланаётган бир даврда ҳукуратимиз томонидан тил ўрганишга катта-кичикнинг бирдай жалб этилиши бизга жуда қимматли ва керакли ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконини беради. Ахборот асрининг асосий маҳсулоти бу электрон ахборот ресурси ҳисобланади. Ҳозир жаҳонда шундай тенденциялар кетмоқдаки, бутун дунё илм-фани учун бебаҳо ресурслар яратадиган компаниялар ахборот агентликлари кенг фаолияти билан бирга бир-бири билан рақобатдош, бу 30 дан ортиқ компаниялар, ҳозирда 5-6



та йирик ахборот ишлаб чиқарувчилар сифатида фаолият олиб бормоқда. Бу ахборот ишлаб чиқарувчи йирик компаниялар ўзининг катта ва қимматли ҳажмдаги маълумотлар базасига эга. Шу ўринда «жаҳон ахборот ресурси нима?» – деган саволга жавоб бериб ўтиш жоиздир.

Жаҳон ахборот ресурси – бу жаҳоннинг етакчи ахборот ишлаб чиқарувчи компанияларининг маҳсулотлари бўлиб, бу маҳсулотлар фан, таълим, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилади.

Жаҳон ахборот ресурси структурасини қуйидагича [2;9] тасаввур қилиш мумкин:



Албатта, бу ресурсларни тарқатувчи компаниялар дунёнинг етук ахборот бизнеси билан шуғулланувчи шахслардир. Бундай компаниялар сирасига Annual Reviews, AEA Journals, JSTOR, EBSCO, Pro Quest, Emerald, Willey Online, Library, Taylor & Francis, Springer Link, Oxford Journals, Cambridge Journal Online, ИВИС ва бошқалар киради. Ҳар бир компаниянинг ўз фондига кўра ресурсларининг контентлари (йўналишлари) бор. Яъни, улар асосан фан соҳаларига тегишли маълумотлар базасига эгадир.

Қуйида компаниянинг электрон ресурслари ҳақида маълумотларни келтирамыз: EBSCO Publishing АҚШнинг етакчи компанияси бўлиб, 1984 йилда ташкил топган. Ушбу компаниянинг асосий вазифаси ахборот хизмати кўрсатишдир.

Асосий маҳсулотлари: EBSCO Discovery Service (EBSCO очиқ хизмати); EBSCO host (Тезкор интерактив маълумот-библиография тизими); EBSCO китоблар ([www.ebsco.com](http://www.ebsco.com)).

Фан соҳалари бўйича маълумотлар базаси йиғилган. Буларга 7000 номдаги журнал, 3500 тақризланган журналлар, 2000 дан ортиқ брошюралар, 500 га яқин китоб, рус тилидаги 500 журнал ва газета киради.

Ушбу ресурслар қуйидаги йўналишларга хизмат кўрсатади: мутахассислар ва ўқитувчилар учун, гуманитар соҳадаги ва жамиятшунослик фанларига оид базалар: иқтисод, молия, бошқарув, маркетинг ва бухгалтерлик ҳисоби бўйича базаларни тақдим этади.

Америка худудий ва халқаро газеталари ахборот агентликлари ҳақидаги танлан-



ган обзорларнинг тўлиқ матнли МБсига рухсат берилган. Шу билан бирга, бизнес соҳасидаги ҳудудий янгиликларнинг тўлиқ матнли МБси, АҚШ ҳудудида бизнесга оид журналларга, газеталарга, телеграф хабарларига доступ билан таъминланган.

ERIC МБ – таълим муаммоларига оид ахборот-ресурс марказининг МБси мақолалар тўпламларига доступ бор бўлиб, таълим мавзусида илмий журналлардан, мақолалар ва рефератлардан ташкил топган.

Эътиборли томони шундаки, МБдан барча соҳага оид базаларни топиш ва улардан фойдаланиш асосан таълимга эътиборни кучайтириш учун ERIC МБси педагоглар учун муҳим манба ҳисобланади.

Қидирув тизими қуйидагиларни ташкил этади (калит сўзлар, муаллиф, тезауруслар орқали (бирор тилнинг мукамал луғати).

Қидирув майдони: тўлиқ матн, муаллиф, сарлавҳа, предмет, реферат, географик атамалар, ISSN, калит сўзлар, журнал номи, инвентар рақам.

Бу компанияларнинг аксарият маҳсулотларидан ва улар билан ҳамкорлик алоқаларидан Ўзбекистонда фақат тиббиёт соҳасида кенг ва самарали фойдаланилмоқда. Айнан мана шу компаниянинг MEDLINE йирик тиббиётга оид МБдан тиббиёт олимлари кенг фойдаланиб, амалиётга татбиқ этмоқдалар.

Нима учун бошқа соҳаларда бу ресурслардан фойдаланиш жуда камчиликни ташкил этмоқда? Сабаби оддий: бу ресурсларни тарғиб ва татбиқ қилувчилар бизда йўқ. Жаҳонда бу масъулиятли вазифани кутубхона ходимлари бажаради. Уларнинг иш фаолиятларининг асоси ҳам ана шундай ресурсни тақдим этишдир.

Ушбу жаҳон ресурсларини барча соҳага татбиқ қилиш эса ҳозирги куннинг долзарб ва муҳим вазифасидир. Ана шундай манбаларни амалиётга татбиқ этсаккина, жамият ривожига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Хўш, бу ресурсдан қандай фойдаланамиз? Ресурслардан фойдаланиш масаласига келадиган бўлсак, албатта, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида ўнлаб шундай ресурслардан фойдаланиш мумкин ([www.natlib.uz](http://www.natlib.uz)). Кутубхонада компьютер хоналарининг ҳар бирида фойдаланувчининг иш ўрнида “Хорижий ахборот ресурслари” (*“Зарубежные информационные ресурсы”*) папкаси жой олган (1-расм).

Сиз ресурсдан фойдалапмоқчи бўлсангиз, хорижий тилни албатта билишингиз лозим. Лекин компаниялар яна шундай имконият тақдим этадики, тиллар интерфейси сайтнинг ўзида мужассам бўлиб, керакли тил танланиб, ахборотни олиш мумкин.

Ундан фойдаланувчи тўғридан-тўғри компаниянинг порталига интернет орқали кириши мумкин.

Бизнинг миллий кутубхона бундай маҳсулотларга бир неча йиллардан буён аъзо бўлиб келади. Лекин кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, бу ресурслардан фойдаланувчилар сони жуда кам. Бунинг сабаби, кутубхоналарда тарғибот-ташвиқот масалаларининг сустлигидир.

Албатта, бу ресурсларга обуна бўлиш жуда мушкул, юридик шахс сифатида




аъзо бўлиш мумкин, холос. Ташкилотларга берилган доступлар эвазига фойдаланилаётган вақтда IP адрес тўғридан-тўғри компанияларнинг сайтига уланади. Улар Ўзбекистоннинг IP адресларини расмийлаштириб, доступни очиб беради.


EbscoHost платформаси ресурслардан фойдаланиш жараёнидан лавҳалар(амалий тажриба):

“Хорижий ахборот ресурслари” (“Зарубежные информационные ресурсы”) папкасига кирамиз, тўғридан-тўғри интернетга уланамиз.

Масалан, ERIC МБси танланади ва белги қўйилади. Тиллар бўлимидан керакли тил танланади.



1-расм. Тил интерфейси танлаш.



2-расм. МБнинг сайт интерфейси.

Таълимга оид ресурслар МБ адабиётларининг базаларида мавжуд. 1,4 млн.дан ортиқ библиографик ёзув ҳамда 337000дан ортиқ тўлиқ матнли ҳужжатлар ўрин олган. Қидирув йўлига калит сўзлар ёзилса, ушбу мавзуга оид мақолалар рўйхати



келиб чиқади. Бундан бемалол фойдаланиш имкониятига эга бўлинади.

*Ebsco Publishing* компаниясининг таҳлил натижаларига келадиган бўлсак, фойдаланувчиларни бу компанияларнинг тарихи, иш фаолияти, мақсади, ресурси, ишлатиш усуллари, компаниянинг фаолиятидан лавҳалар, сайт билан ишлаш қоидалари, унга аъзо бўлиш усуллари, маълумот олиш йўллари, интерфейси, контенти, манбалари, қидириш воситалари ҳақида тўла-тўқис таништира олсаккина, юрти-мизда илм-фаннинг ривожланишига катта таъсир этган бўламиз.

Ушбу компания фаолияти билан танишар эканмиз, шундай муҳим нарсалар диққатимизни жалб этди: компаниянинг маълумотлар базалари ичида барча учун очиқ, бепул маълумотлар базаси *Green File*да экологияга оид; инсоннинг атроф-муҳитга таъсири, глобал ҳаво исиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, энергия манбаларининг тикланиши, чиқитни қайта ишлаш ва бошқа манбаларнинг китобхонга тақдим этилганлиги бўлди. Қолаверса, яна шундай имконият мавжудки, ҳозирги кунимизнинг ажралмас техникаси ҳисобланмиш мобил телефонда компания ресурсидан фойдаланиш имкони шакллантирилган. Чунки ҳозир барчанинг қўлидаги бу аппарат илм-фан йўлида самарали фойдаланиш имконини яратган экан, биз ҳам бундан холи бўлмаслигимизни хоҳлардик.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жаҳон ахборот ресурсларини Ўзбекистонга татбиқ қилишда ва фойдаланиш усуллари ишлаб чиқишда қулай ва осон йўл-йўриқлар кўрсатадиган дастурлар, услубий қўлланмалар яратилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада ҳар бир соҳанинг ўз мутахассиси ўзига тегишли ресурслардан фойдаланишни билиши ва олий ўқув юртида ўқиётган талаба, магистр ва ёш илмий изланувчига йўналиш берсагина мақсадга кўпроқ эришилади. Чунки ҳозир жаҳон тажрибасини таҳлил этиб, амалда қўллаш, ривожланган мамлакатлар қаторига кириш жамиятимизнинг муҳим босқичидир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 1875-сонли Қарори. 2012 йил 10 декабрь.
2. Андреева А.В. Учебно-методическое пособие по дисциплине “Мировые информационные ресурсы”. – Смоленск: Универсум, 2010.–194 с.
3. Селетков С.В., Андреева М.Н., Днепровская Н.В., Днепровская И.В. МИРОВЫЕ ИНФОРМАЦИОННЫЕ РЕСУРСЫ: Учебное пособие, практикум по курсу / Московский государственный университет экономики, статистики и информатики. – М., 2004. – 136 с.
4. Хорошилов А., Селетков С. Мировые информационные ресурсы: Учебное пособие - СПб.: Питер, 2004. - 176 с.
5. [www.ivis.ru](http://www.ivis.ru).
6. [www.ebsco.com](http://www.ebsco.com)
7. [www.e-linepress.uz](http://www.e-linepress.uz)
8. [www.natib.uz](http://www.natib.uz)

## ТАЪЛИМ МАЗМУНИ УЗЛУКСИЗЛИГИ

- 3 **A. Сулаймонов, Б. Джурбаева, Н. Авазова**  
Узвийлик принциплари асосида болаларнинг тасвирий фаолият натижаларини баҳолаш
- 8 **Р. Ф. Сафарова**  
Узлуksиз таълим жараёнида ҳосил қилинадиган дидактик вазиятлар тарғибий фаолиятнинг узвийлиги ва узлуksизлик
- 12 **З. Гаппаров, Ж. Иштаев**  
Мактаб ва коллеж ўқувчиларида тезкор ҳаракат қобилиятини ривожлантириш
- 18 **И. Тўрақуллова**  
Узлуksиз таълимнинг иммунологик тарбия тизимини шакллантириш учун педагогларнинг фаннинг методологияси
- 23 **Н. Р. Мусулманова**  
Узлуksиз таълим муассасаларида педагогик тажриба-синов ишлари натижаларини баҳолаш
- 27 **Н. С. Файзуллаева**  
Кадрлар бозорини ривожлантиришда таълим хизматларининг амалдаги вазирлиги
- 33 **Б. Жўраев**  
Хуқуқий билимларни ўзлаштиришда ўқитувчи билан ўқувчи ҳамкорлигини ўрнатish
- 38 **М. Халилова**  
Musiqqa ta'limi strategiyasini belgilashda zamonaviy texnologiyalar
- 44 **С. Низомова**  
Кимё фанини ўқитишда замонавий таълимнинг аҳамияти
- 49 **Ш. Раҳимова**  
Ўқувчиларни тахсислаш ва баҳолашда таяниладиган принциплар узвийлиги
- 54 **Г. Ибраҳимова**  
Таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ижодкорлик фаолиятини узлуksиз ривожлантиришнинг аҳамияти
- 59 **Н. А. Мирзаева**  
Ўқувчи-талабаларнинг экологик онг ва тафаккурини шакллантиришда жотренинг фаннинг методологияси
- 65 **Р. Х. Джўраев, Ш. К. Мардонов**  
Новые ценности педагогического образования
- 70 **Д. Мирзабўлаева**  
Конфликтологическая компетентность педагогов в системе непрерывного образования

## УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МЕДИАТАЪЛИМ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

- 75 **Д. Ш. Зиядўллаев, Г. Э. Зиёдўллаева**  
Жаҳон фан ва таълим ресурсларидан фойдаланиш ва уларни илм-фанга таълим учун қўшиш
- 80 **Ш. Бурхонов**  
Узлуksиз таълим тизимида ахборот маданияти намоён бўлиш мезонлари
- 86 **М. Х. Акбарова, Д. Хатамова**  
Botanika darslarida izohli lug'at bilan ishlash

## КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ

- 92 **A. Turq unboveva**  
Uzluksiz ta'lim tizimida pedagogning refleksiv-perseptiv ko'nikmalarini shakllantirishning ahamiyati
- 97 **В. Раҳмонова**  
Касб-хунар ва олий таълим тизими узвийлигини таъминлашга замонавий ёндашувлар
- 102 **Ш. Болтаева, Е. Мирсанова**  
Таълим тизимида ўқувчининг ижодий фаолиятини шакллантиришнинг педагогик-методик ресурслари
- 108 **Д. Ходияқуллова**  
O'quvchi-yoshlar kamlotida kasb tanlash va uning tarbiyaviy ahamiyati

## ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

- 114 **N. Saparova, L. Alihayeva**  
Ingliz tili darslarini uzluksiz tashkil etishda innovatsion texnologiyalar
- 119 **Ш. Рўстамова, Т. Қасимова, М. Расуллова**  
Узлуksиз таълим тизимида хорижий тилларни ўқитишнинг назарий масалалари

## ТАХЛИЛ. ТАКРИЗ. ТАКЛИФ

- 124 **Р. Х. Джўраев**  
Д. У. Эргашев ва Х. Ш. Қодировларнинг «Қабул таълим ўқитувчиларининг фаннинг методологияси ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларини фойдаланиш методикаси» асосий натижаларини тақриз
- 126 **Б. Олорбоев**  
Р. Х. Джўраев ва У. Н. Тайлақовларнинг «Ўқитувчи ва ўқувчи учун педагогик методик ресурслар комплекслар ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш методикаси» асосий натижаларини тақриз

## УЗВИЙЛИК ПРИНЦИ

Мақолада мактабгачилик қилиш методикаси ва нингдек, ўтказилган тажрибининг тасвирий фаолият нарини ҳамда узвийлик хусусида тарбиячилар ва ота-он

**Таянч сўз ва иборатлар:** таҳлил, методика, баҳола

In article the methodology of children of preschool age experimental work and su assessment of results of children also methodical recommen

**Key words:** children form, color, composition, c

В статье изложены методики работы с детьми дошкольного возраста и наблюдений результатов детских работ методические рекомендации

**Ключевые слова:** дети анализ, методика, оценка,

Мамлакатимизда асосизлик асосида узвийлик астурининг амалдаги ижтисиз таълимнинг мактаб бўлса-да, бу йўналишда муносабат билан истиқу ривожлантириш давлат лалар ўзаро узвийлик п